

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЯНГИЕВА НОДИРА РАХИМОВНА**

**ТЎР ПАРДА ҚАРИЛИК МАКУЛЯР ДЕГЕНЕРАЦИЯСИНИ ЭРТА  
АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ МОДЕЛИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА  
ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менеджмент  
14.00.08 – Офтальмология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of medical science (DSc)**

**Янгиева Нодира Рахимовна**

Тўр парда қариллик макуляр дегенерациясини эрта аниқлаш ва  
олдини олиш моделини ташкил қилишда тизимли

ёндашув..... 3

**Янгиева Нодира Рахимовна**

Системный подход в организации модели раннего выявления и  
профилактики возрастной макулярной дегенерации сетчатки.....

29

**Yangieva Nodira Rakhimovna**

A systematic approach to organizing a model for early detection and  
prevention of age-related macular degeneration of the retina.....

55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЯНГИЕВА НОДИРА РАХИМОВНА**

**ТЎР ПАРДА ҚАРИЛИК МАКУЛЯР ДЕГЕНЕРАЦИЯСИНИ ЭРТА  
АНИҚЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ МОДЕЛИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА  
ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

**14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менеджмент  
14.00.08 – Офтальмология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib468 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Ризаев Жасур Алимджанович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ибрагимов Азиз Юлдашевич</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Имшенецкая Татьяна Алексеевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Белоруссия Республикаси) <b>Билалов Эркин Нозимович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ижевск давлат тиббиёт академияси (Россия)</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [info@eyecenter.uz](mailto:info@eyecenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [info@eyecenter.uz](mailto:info@eyecenter.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Ш.А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х.Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тўр парда қарилик макуляр дегенерацияси (ТПҚМД) кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилган муҳим тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда. Охириги йилларда ушбу касаллик билан нафақат кекса ёшдаги, балки ўрта ёшли беморлар сони ҳам ошиши кузатилмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...жаҳондаги 5% кўзи ожизлар кўриш қобилиятини ТПҚМД сабабли йўқотган, 2040 йилга келиб эса ТПҚМДли беморлар сони 40% га ортади»<sup>1</sup>. Бу эса меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшдаги шахсларнинг 11%, 60 ёшдан ошган беморларда эса 28% ҳолларда бирламчи ногиронликка олиб келади<sup>2</sup>. Шунинг учун ТПҚМД ни олдини олиш ва эрта ташхислаш сифатини ошириш бугунги кунда жаҳонда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида замонавий тиббиётнинг, хусусан, офтальмологиянинг ривожланиши соғлиқни сақлашнинг бирламчи буғинида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш билан боғлиқ. ТПҚМДни юзага келиш хавфини башоратлаш, олдини олиш ва эрта ташхислаш моделини ташкил қилишда тизимли ёндашувга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бу борада худудларда ТПҚМД билан касалланиш ва унинг оқибатида кўришга боғлиқ ногиронликни баҳолаш, бирламчи ташхислаш ва диспансер назорати учун тиббий ёрдамни ташкил этишни автоматлаштирилган ва шахсийлаштирилган баҳолаш электрон дастурларини яратиш масалаларига ҳам устувор даражада қаралмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария тизимини жаҳон андозалари талабларига етказиш борасида кенг қамровли дастурий ва мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда ва ижобий натижаларга эришилган. Таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли тадбирлар ўтказилишига қарамай, бугунги кунга келиб, жумладан офтальмология соҳасида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...пензионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш...»<sup>3</sup> борасида вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан жамоат саломатлиги кўрсаткичларини оптималлаштиришга имкон берувчи омилларни ўрганиш, соғлиқни сақлашнинг турли бўғинларидаги даволаш–профилактика муассасаларининг тизимли фаолияти услублари

<sup>1</sup>WHO [webpage on the Internet] Prevention of Blindness and Visual Impairment.Priority Eye Diseases.2017; <https://www.who.int/blindness/causes/priority/en/index7.html>.

<sup>2</sup>Wong WL, Su X, Li X, Cheung CMG, Klein R, Cheng C-Y, et al. Global prevalence of age-related macular degeneration and disease burden projection for 2020 and 2040: a systematic review and meta-analysis. // The Lancet Global Health. 2014; Vol. 2, N2. P 106-116.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, ўз ўзини текшириш даражасида автоматлаштирилган электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш долзарб йўналишлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида тубдан янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон “Ўзбекистон Республикаси бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сонли “Ноинфекцион касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 сентябрдаги 718-сон “Тиббий хизмат сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, бирламчи тиббий санитар ёрдам кўрсатиш муассасаларида амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар жавобгарлигини ва самарадорлигини ошириш” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** ТПҚМД эпидемиологияси, этиологияси, эрта ташхисоти, даволаш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва баҳолаш, олдини олишнинг иқтисодий самарадорлиги муаммосига бағишланган илмий-тадқиқот ишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: The National Institute of Eye, National Institute of Health (АҚШ); University Vita-Salute (Италия); University of Bordeaux, Inserm, Bordeaux Population Health Research Center, University Paris-Est (Франция); Institute of Neuropathology, University of Göttingen Germany (Германия); Westmead Hospital (Австралия);

---

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.pubmed.com](http://www.pubmed.com), [welcome.miami.edu](http://welcome.miami.edu), [www.uic.edu](http://www.uic.edu), [www.yokohama-cu.ac.jp](http://www.yokohama-cu.ac.jp), [www.eco.unicamp.br](http://www.eco.unicamp.br), [www.asu.edu.eg](http://www.asu.edu.eg), [www.umlub.pl](http://www.umlub.pl), [www.ulsan.ac.kr](http://www.ulsan.ac.kr), [www.units.it](http://www.units.it), [www.uniud.it](http://www.uniud.it), [www.uni-marburg.de](http://www.uni-marburg.de), [www.hu-berlin.de](http://www.hu-berlin.de), [www.mountsinai.org](http://www.mountsinai.org), [www.BMJ](http://www.BMJ), [www.heidelberg-university](http://www.heidelberg-university), [unige.it](http://unige.it), [www.aiims.edu](http://www.aiims.edu), [www.evms.edu](http://www.evms.edu), [www.isciii.es](http://www.isciii.es), [www.arizona.edu](http://www.arizona.edu), [www.uh.edu](http://www.uh.edu), [www.uab.edu](http://www.uab.edu), [www.hopkinsmedicine.org](http://www.hopkinsmedicine.org), [www.optometry.osu.edu](http://optometry.osu.edu), [www.uni-heidelberg.de](http://www.uni-heidelberg.de), [www.univ-agadez.edu.ne](http://www.univ-agadez.edu.ne), [www.umb.edu.pl](http://www.umb.edu.pl), [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk), [www.ninds.nih.gov](http://www.ninds.nih.gov), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.aub.edu.lb](http://www.aub.edu.lb), [www.medline.ru](http://www.medline.ru), [www.medscape.com/ophthalmology](http://www.medscape.com/ophthalmology), [visionscience.com](http://visionscience.com), [www.retina.org/retina](http://www.retina.org/retina), [elibrary.ru](http://elibrary.ru), [medlib.ws](http://medlib.ws), [www.medlit.ru](http://www.medlit.ru), [www.rmj.ru](http://www.rmj.ru), [mntk.ru](http://mntk.ru), [www.ophtal.org](http://www.ophtal.org), [www.retinajournal.com](http://www.retinajournal.com), [www.bjophthalmol.com](http://www.bjophthalmol.com), [www.eyeworld.org](http://www.eyeworld.org), [www.aoj.org](http://www.aoj.org), [www.djo.harvard.edu](http://www.djo.harvard.edu), [webofscience.com](http://webofscience.com), [pubmed.com](http://pubmed.com), [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com). ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

New England Eye Center, King's College Hospital (Англия, Буюк Британия); Higher Medical School of Ehime (Япония); Medical Center Tel-Aviv Sourasky (Исроил); Netherlands Institute for Neuroscience, Royal Netherlands Academy of Arts and Sciences (Голландия); И.П.Павлов номидаги Санкт–Петербург давлат тиббиёт университети (Россия); Г.Гельмгольц номидаги Кўз касалликлари илмий тадқиқот институти (Россия); Санкт–Петербург биорегуляция ва геронтология институти (Россия); Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

ТПҚМни башоратлаш, эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ТПҚМД эпидемиологияси, таснифи, хавф омиллари, дори воситалари ёрдамида олдини олиш усуллари ўрганилган (University Vita-Salute, Италия, University of Bordeaux, Bordeaux Population Health Research Center, Франция), ўз ўзини баҳолаш STARS сўровномаси бўйича, ТПҚМДнинг хавф омиллари Европанинг иккита йирик танланган: итальян ва француз гуруҳларида баҳоланган (University Paris-Est, Франция), ТПҚМДнинг демографик, генетик ва офтальмологик омиллари билан боғлиқ ҳолда ривожланиш модели ўрганилган (Clínica Universidad de Navarra, Pamplona, Spain, Ophthalmic Epidemiology and Genetics Service, Tufts University School and Medical Center, New England Eye Center, Англия). Кўз касалликлари оқибатида ногиронликнинг тиббий-ижтимоий ва клиник-эксперт омиллари, ҳамда тиббий ижтимоий экспертизани такомиллаштириш чоралари бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Г.Гельмгольц номидаги кўз касалликлари илмий тадқиқот институти, Россия). ТПҚМДни даволашда пептидли биорегуляторлардан фойдаланиш борасида кенг миқёсда тадқиқот олиб борилган (Санкт–Петербург биорегуляция ва геронтология институти, Россия). Махсус регистрацион картани ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш орқали ТПҚМДни олдини олиш ва скринингини ўтказиш бўйича тадқиқот олиб борилган (И.П.Павлов номидаги Санкт–Петербург давлат тиббиёт университети, Россия). ТПҚМДни эрта босқичларида касалликнинг ривожланиши ва авж олиш хавфини башоратлаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у касалликнинг авж олиш хавфини камайтириш ва ушбу тавсияларни беморлар томонидан бажарилаётганини назорат қилиш мақсадида, шахсийлаштирилган тавсияларни шакллантириш учун офтальмологик скрининг текширувларида қўлланилиши мумкинлиги исботланган (РФнинг марказий клиник харбий госпитали, Россия).

ТПҚМД эпидемиологияси, хавф омилларининг таъсири, скрининги, ташхислаш ва даволаш, оммавий олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган қатор устувор тадқиқотлар, жумладан, қуйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ТПҚМД келиб чиқишига хавф омилларининг таъсир даражасини баҳолаш; эрта ташхислаш муаммоларини асослаш ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш; ногиронликни олдини олиш; шахсийлаштирилган башоратлаш электрон дастурларни яратиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш; соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида

ТПҚМДни олдини олиш тадбирларини ташкиллаштириш тизимини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги 10 йилликни муболағасиз «ТПҚМД даври», деб аташ мумкин, чунки ТПҚМДни турли давлатлар ва жаҳоннинг турли қисмларида тарқалиши, ирқий мойиллиги, ушбу касалликни юзага келиши ва кечишига турли ҳавф омилларининг потенциал таъсири, патогенези, ТПҚМДни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш, ҳатто эрта босқичларда ТПҚМДни жадаллашиш ҳавфини башоратлаш кўп сонли тадқиқотчилар гуруҳининг тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади ва қатор халқаро нашрларда ёритилган (Астахов Ю.С. ҳаммуал., 2010; Гветадзе А.А., Рабаданова М.Г., 2019; Johanna M.Seddon, Rachel E.Silver, 2015; Reibaldi M. et al, 2016; Souied E., Pulido J., Staurengi G., 2017). ТПҚМДни махсус даволашнинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, даволашга бўлган барча уринишларни самара бермаслиги ва ҳаёт сифати, ТПҚМДни эрта аниқлаш ва юзага келишини башоратлаш, олдини олиш бўйича тадбирлар тизимини ташкил этиш масалалари соғлиқни сақлашни ўта долзарб вазифаси саналади (Максудова Л.А., 2015; Еремеева Е.А., 2017; Lim L.S. et al., 2012; Alfredo García-Layanaetal, 2017).

Мамлакатимизда офтальмопатологияни олдини олиш бўйича тиббий ёрдамни ташкил этиш масалаларини ҳал этиш бўйича фақатгина Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти томонидан тадқиқот олиб борилган (Джамалова Ш.А., 2018) бўлиб, унда қандли диабет оқибатида кўриш бўйича ногиронлик аниқланган, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ёритилган, тиббий ёрдамни ташкил этиш ва олдини олиш йўллари ўрганилган. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий–амалий тиббиёт марказида (РИКМИАТМ) З.У. Сидиков (2015) томонидан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини кўз касалликлари билан касалланишини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилган. Тошкент тиббиёт академиясида Юсупов А.Ф. (2018) томонидан ТПҚМДда кўрув аъзосининг функционал ҳолатини комплекс баҳолаш ҳамда даволаш тактикасини танлаш ишлаб чиқилган.

Афсуски, фойдаланиш мумкин бўлган маҳаллий илмий адабиётларда Ўзбекистонда ТПҚМДнинг эпидемиологик ва ногиронлик кўрсаткичларига иқтибослар мавжуд эмас. Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда, ТПҚМДда бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ва ташкиллаштиришни оптималлаштириш бўйича илмий асосланган, ташкилий тадбирларни такомиллаштиришга бағишланган тиббий-ижтимоий тадқиқотлар мажмуаси ўтқазилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда замонавий технологияларни қўллаш ва яратиш» (2019–2023 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистонда ТПҚМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикаси бўйича ТПҚМД билан касалланиш, ТПҚМД оқибатида ногиронлик кўрсаткичлари ва динамикасини аниқлаш;

шифокорлар орасида сўровнома ўтказиш ва тиббий ҳужжатларни таҳлил қилиш усуллари билан ТПҚМДни олдини олиш, эрта ташхислаш ва диспансер назорати соҳасидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштиришнинг мавжуд моделини баҳолаш;

автоматлаштирилган баҳолаш электрон дастурини яратиш йўли билан ТПҚМДни юзага келиш хавфини башоратлаш ва эрта аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини аниқлаш;

тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларида ТПҚМД билан касалланган беморларни диспансер назоратини ташкиллаштириш тадбирларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш;

кўрув аъзосининг клиник-функционал кўрсаткичларини ўрганиш асосида ТПҚМДни дори воситалари ёрдамида олдини олиш самарадорлигини баҳолаш;

ТПҚМДни юзага келишида турли хавф гуруҳлари бўлган шахсларни юритиш тактикасини ишлаб чиқиш;

ТПҚМДни офтальмологик ёрдамини такомиллаштиришнинг тиббий – ташкилий моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** ЎзРССВ Республика тиббий–ижтимоий экспертиза инспекцияси ва статистик бошқармасининг, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий марказининг ҳисобот шакллари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистика тўплами, аҳоли орасида ўтказилган сўровнома-анкеталари (электрон дастурлар), соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғин шифокорларидан олинган сўровнома-анкеталари, ТПҚМД билан касалланган беморлар ва уларнинг тиббий ҳужжатлари, шунингдек офтальмологик текшириш маълумотлари.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида 2010–2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича ТПҚМД билан касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари, аҳолидан олинган сўровнома-анкета маълумолари, офтальмолог ва оилавий шифокорлар, беморлар ва уларнинг тиббий ҳужжатлари, шунингдек, офтальмологик текшириш натижаларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда нусха кўчириш, ижтимоий (анкета–сўровнома), статистик, эксперт, таҳлилий, башоратлаш (интеграл баҳолаш), клиник–инструментал усуллар, шунингдек, дастурлашдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида (вилоятлар кесимида) илк бор, 2010-2019 йиллар давомида, ТПҚМД билан касалланиш, унинг оқибатидаги ногиронликнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар аниқланган ва

ТПҚМДни эрта аниқлаш, олдини олишда бирламчи тиббий-санитария ёрдамни такомиллаштириш муҳим омил эканлиги исботланган;

илк бор ТПҚМДни эрта аниқлаш ва юзага келиш ҳавфи даражасини автоматлаштирилган ва шахсийлаштирилган аниқлашга ва ТПҚМД билан касалланган беморлар учун диспансеризацияни такомиллаштиришга имкон берувчи электрон дастурлар ишлаб чиқилган;

илк бор соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини шифокорлари учун ТПҚМДни юзага келиш турли ҳавф гуруҳларидаги шахсларни юритиш тактикаси ишлаб чиқилган;

ТПҚМДнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси самарадорлиги лютеин-зеаксантин витамин-минерал комплекс дори воситаларининг қўлланилиши билан илмий исботланган;

ТПҚМДда бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатишни такомиллаштиришга имкон берувчи тиббий-ташкилий модел яратилганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистонда ТПҚМД оқибатидаги ногиронлик ва ТПҚМД билан касалланиш кўрсаткичлари динамикаси баҳоланган;

тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган электрон “ТПҚМДни эрта аниқлаш ва юзага келиш ҳавф даражасини аниқлаш учун дастур” нинг диагностик ва иқтисодий самарадорлиги исботланган;

“ТПҚМД билан касалланган беморларнинг диспансеризация картаси” электрон дастурининг клиник ва иқтисодий самарадорлиги исботланган;

ТПҚМДни юзага келиши ва жадаллашишини дори воситалари ёрдамида олдини олиш тактикасининг клиник ва иқтисодий самарадорлиги исботланган;

ТПҚМДни юзага келишининг турли ҳавф гуруҳи бўлган шахсларни юритиш тактикаси ишлаб чиқилган;

ТПҚМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича тадбирлар мажмуасининг модели самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Замоनावий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотда замоनावий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи таҳлилий, ижтимоий сўровнома ўтказиш, эксперт, башоратлаш, клиник ва функционал, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, ТПҚМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш моделини жорий этишга тизимли ёндошишни баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, олинган хулоса натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, илк бор ТПҚМДни олдини олиш ва ногиронларни ижтимоий қўллаб қувватлаш борасида мажмуавий дастурларни ишлаб чиқишда, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоялаш

муассасалари учун ахборот базаси бўла оладиган, 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистонда ТПКМД оқибатидаги ногиронлик ва ТПКМД билан касалланиш ҳақидаги маълумотлар тақдим этилганлигидир. ТПКМДни олдини олишни такомиллаштириш имконини берувчи бирламчи тиббий-санитария ёрдами учун тадбирлар тизими таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган иккита электрон дастур, ТПКМДни юзага келиш турли хавф гуруҳини юритиш тактикаси, ТПКМДни юзага келиши ва жадаллашишини дори воситалари ёрдамида олдини олиш усуллари соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини (ССББ) амалиётига ахборотлаштириш ва автоматлаштиришни киритиш йўли билан ТПКМДни эрта ташхислаш ва олдини олиш тизимини такомиллаштириш, давлат ва беморлар харажатларини камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши:** ТПКМДнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида дори воситаларини қўллаш усули билан такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар асосида:

ТПКМДнинг дори воситаларини қўллаш усули билан такомиллаштириш натижасида олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Қариллик макуляр дегенерация профилактикасини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабридаги 8н-р/553-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома таклиф этилган профилактика принципларига риоя қилган ҳолда ТПКМДни юзага келиш хавфи юқори бўлган шахсларда касалликни олдини олишни бартараф этиш ва ТПКМДни эрта босқичида жадаллашишини олдини олишни имконини берган;

“ТПКМД билан касалланган беморларнинг диспансеризация картаси” электрон дастурининг амалиётга тадбиқ этилиши, диспансеризация сифатини такомиллаштирилиши натижасида олинган илмий натижалар асосида «Унификацияланган тиббий ҳужжатларни жорий этиш йўли билан қариллик макуляр дегенерация билан касалланган беморларни диспансеризациялашни такомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 декабридаги 8н-р/554-сон маълумотномаси). Таклиф этилган электрон дастурни жорий этиш ТПКМДда диспансеризация сифатини такомиллаштириш, ТПКМДни оғир босқичларига ўтишни, соғлиқни сақлашнинг турли бўғинлари ўртасида узлуксизликни амалга ошириш имконини берган;

илмий натижалар асосида ЭХМ учун “Тўр парда қариллик макуляр дегенерацияни эрта аниқлаш ва юзага келиш ҳавф даражасини аниқлаш учун дастур” (2020 йил 25 ноябрдаги 09490-сонли DGU), “Тўр парада қариллик макуляр дегенерация билан касалланган беморнинг диспансеризация картаси” (2020 йил 27 ноябрдаги 09512-сонли DGU) электрон дастурлар ишлаб чиқилган ва жорий қилинган, улар ТПКМДни аниқлаш, олдини олиш ва тиббий хизматни ташкил қилиш самарадорлигини ошишига эришиш

имконини берган;

ТПҚМДнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида дори воситаларини қўллаш усули ва диспансеризацияни электрон дастурлар ёрдамида такомиллаштирилиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги кўп тармоқли поликлиникаси, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабридаги 8н-р/239-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббий амалиётга жорий этилиши ТПҚМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигига ва иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 12 та мақола, улардан, 10 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги ва ишнинг илмий янгилигини, шунингдек тадқиқотнинг амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр этилган асарлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи «**Тўр парданинг қариллик макуляр дегенерациясининг замонавий тушунчалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган бобида, ТПҚМДни тарқалганлиги ва ногиронликнинг муаммолари, ТПҚМДни таъсир биомаркерлари ва хавф омиллари ҳақида замонавий ҳолатни ёритувчи маҳаллий ҳамда хорижий адабиётлар таҳлили келтирилган. Эрта ташхислаш ва консерватив даволашнинг замонавий усулларига алоҳида эътибор қаратилган. Соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ТПҚМДни олдини олиш ва эрта аниқлаш бўйича тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи «**Тадқиқот объекти, предмети, материали ва усуллари**» деб номланган бобида тадқиқот тузилмаси, материаллари ва усуллари берилган.

Тадқиқот 2014-2020 йиллар давомида Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси маслаҳат поликлиникаси ва кўз микрохирургияси бўлими, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли поликлиникаси ва Тошкент шаҳрининг ООО «Vedanta medical» хусусий офтальмологик клиникаларида олиб борилган.

*Тадқиқотнинг биринчи босқичида*, Ўзбекистон Республикаси ССВ тиббий-ижтимоий Республика экспертизаси ва статистика бошқармаси маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси ССВ статистик тўплам маълумотлари, РИКМИАТМ ҳисобот шакллари таҳлили ўтказилган. Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йиллар мобайнида ТПКМДнинг бирламчи ва умумий касалланиш, ТПКМД оқибатидаги бирламчи ва умумий ногиронлик кўрсаткичларининг ҳолати ва динамикаси ўрганилган. Нусха олиш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

*Иккинчи босқичда*, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини муассасалари фаолияти ва уларнинг ТПКМДда аҳолига кўрсатаётган ёрдами сифатини таҳлили учун ишлаб чиқилган анкета орқали 200 нафар шифокор–респондентларда аноним сўров-анкеталаш ўтказилган: уларнинг 106 нафарини оилавий шифокорлар ва 94 нафарини офтальмолог-шифокорлар ташкил қилган. Социологик сўровнома, эксперт ва статистик усуллардан фойдаланилган.

*Учинчи босқичда*, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли поликлиникаси кузатувида бўлган ТПКМДлик 200 нафар беморнинг амбулатор картасининг таҳлили ўтказилган. Унда, соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида ТПКМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш бўйича тадбирларни тўлиқлигини аниқлашда тиббий ҳужжатларни таҳлили ва баҳоланиши ўтказилган, ҳамда “ТПКМД” ташхисини аниқлаштириш учун Тошкент шаҳар хусусий ООО «Vedanta medical» офтальмологик клиникасига йўналтирилган 186 беморнинг амбулатор картаси ҳам таҳлил қилинган. Эксперт ва статистик усуллардан қўлланилган.

*Тўртинчи босқичда*, электрон “ТПКМДни эрта аниқлаш ва юзага келиш хавф даражасини аниқлаш учун дастур”ини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва қўллаш самарадорлигини баҳолаш ўтказилган. Электрон дастурга киритиладиган балларни аниқлаш ва ТПКМД келиб чиқиш хавф омиллари гуруҳларини санаш мақсадида, ТПКМДли 100 та бемор билан савол-жавоб ўтказилган ва модификацияланган Байес усули асосида ТПКМД хавф омиллари интеграл баҳоланган. Шундан сўнг, 2019 йилнинг феврал ойидан сентябр ойига қадар ишлаб чиқилган электрон дастур бўйича, ТПКМДни ва касалликни юзага келиш хавф гуруҳларини аниқлаш мақсадида, аҳоли ўртасида (респондентларнинг умумий сони 4932 киши) аноним сўров ўтказилган. Социологик сўровнома, хавф омилларини интеграл баҳолаш, дастурлаш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Ишлаб чиқилган электрон дастурнинг ишончлилигини ва ТПКМДни аниқлаш ва юзага келиш хавфини башоратлаш самарадорлигини аниқлаш

мақсадида, сўрономада иштирок этган шахсларнинг офтальмологик ҳолати мажмуавий баҳоланган, шунингдек, унинг иқтисодий самарадорлиги хисобланган.

Барча ҳолатларда ТПКМД мавжудлигини тасдиқлаш учун ташхис, оптик когерент томография (ОКТ) усули ёрдамида аниқланган ва AREDS (Age-Related Eye Disease Study, 2001) таснифидан қўлланилган. Клиник–инструментал ва эксперт усуллари қўлланилган.

*Бешинчи босқичда*, соғлиқни сақлаш тизимининг турли бўғинларидаги шифокорлар ўртасида узлуксизликни таъминлайдиган "ТПКМД билан касалланган беморнинг диспансеризация картаси" электрон дастурини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш амалга оширилган. Электрон дастур тиббий муассасаларда қўлланилган (ТПКМД билан касалланган 90 нафар беморда). Таҳлилий, статистик ва дастурлаш усулларида қўлланилган.

*Олтинчи босқичда*, ТПКМД юзага келиш эҳтимоллиги юқори бўлган шахсларда (98 нафар) ва ТПКМДнинг эрта босқичидаги беморларда (104 нафар) касалликни дори воситалари ёрдамида олдини олиш ўтказилган, бу ерда ҳам тадқиқотнинг клиник–функционал ва аналитик усуллари қўлланилган. Таклиф этилаётган профилактика дастурининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

*Еттинчи босқичда*, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини учун ТПКМДда офтальмологик ёрдамнинг тиббий–ташкилий модели ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тўр парда қарилик макуляр дегенерацияси оқибатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг касалланиши ва ногиронлиги**» деб номланган учинчи бобида, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида 2010-2019 йиллар мобайнида ТПКМД билан касалланиш ва ТПКМД оқибатида ногиронлик кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси таҳлил қилинган.

Маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, кузатиш даврида умумий касаллик кўрсаткичлари Ўзбекистон вилоятлари ҳудудида бир хил эмаслиги ва барқарор кўтарилишга мойиллиги аниқланган. 2019 йили республика бўйича умумий касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 100 минг аҳолига сонига 24,45 ни ташкил қилган, 2010 йилга нисбатан 1,8 марта ошган, яъни 100 минг аҳолига 10,98 га (13,47 дан 24,45 гача). Бу ошишни “сезиларли даражада” деб хисоблаймиз.

Аксарият кўрсаткичлар Самарқанд вилоятида (37,83 дан кам эмас) ва Қорақалпоғистон Республикасида (30,88 дан кам эмас) қайд қилинган, Республика бўйича ўртача энг юқори кўрсаткич 100 минг аҳолига 24,45 ни ташкил қилган. Энг паст кўрсаткичлар Хоразм ва Наманган вилоятларида кузатилган, доимий ўсиш тенденциясига қарамай, 100 минг аҳолига (2019 йил) 6,23 ва 9,01 дан ошмаган.

Тошкент шаҳри бўйича ТПКМД билан умумий касалланиш кўрсаткичлари республика кўрсаткичларига яқин, 2012 йилдан бошлаб эса бироз баландроқ (1-жадвал).

**Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда  
ТПҚМД билан умумий касалланиш кўрсаткичлари  
(100 минг аҳоли сонига)**

Йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси	Хоразм вилояти	Навои вилояти	Бухоро вилояти	Сурхондарё вилояти	Қашқадарё вилояти	Джизак вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Наманган вилояти	Андижан вилояти	Фарғона вилояти	Тошкент шаҳри	Йил учун ўртача белги
2010	30,88	1,79	10,51	8,43	11,26	9,37	9,85	37,83	11,32	11,06	5,36	14,59	14,25	12,13	13,47
2011	32,58	1,87	11,85	8,50	11,47	10,53	10,36	37,94	12,44	11,82	5,46	15,42	15,33	13,16	14,19
2012	33,60	1,90	14,06	9,67	11,50	11,21	10,68	39,20	12,89	12,02	5,95	16,20	17,25	15,16	15,09
2013	34,66	2,24	14,36	10,81	12,21	12,36	10,80	40,49	13,32	12,88	6,67	16,89	17,63	17,30	15,90
2014	34,82	2,48	14,43	11,05	12,50	13,26	10,85	41,24	14,14	13,56	6,97	17,29	17,78	18,07	16,32
2015	37,11	2,98	14,86	11,42	12,64	14,41	10,90	43,67	14,54	14,14	7,05	17,44	19,25	18,56	17,06
2016	41,56	3,26	15,42	16,08	12,98	15,75	11,13	45,79	14,64	16,88	7,15	18,39	21,00	19,21	18,52
2017	47,88	3,66	15,44	17,00	13,20	17,80	11,61	47,54	14,82	18,27	7,54	18,68	21,11	20,17	19,62
2018	58,41	4,63	15,66	17,40	13,37	18,40	12,34	47,78	14,95	21,33	8,38	19,44	22,84	23,30	21,30
2019	67,43	6,23	17,80	18,05	13,82	19,74	14,05	50,99	25,19	27,12	9,01	19,64	24,14	29,08	24,45

Умумий касалланишдан ташқари, ТПҚМД билан бирламчи касалланиш ҳам таҳлил қилинган, маълумотлар кўрсаткичларни 2,33 марта, яъни 2010 йилда 100 минг аҳолига 3,60 дан 2019 йилда 8,38 гача (100 минг аҳолига 4,78 га) ошганлигини кўрсатган. Бирламчи касалланиш кўрсаткичлари ҳам Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб нотекис тарқалган (вилоят ва туманлар кесимида) (2-жадвал)

**Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда ТПҚМД билан  
бирламчи касалланиш кўрсаткичлари  
(100 минг аҳоли сонига)**

Йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси	Хоразм вилояти	Навои вилояти	Бухоро вилояти	Сурхондарё вилояти	Қашқадарё вилояти	Джизак вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Наманган вилояти	Андижон вилояти	Фарғона вилояти	Тошкент шаҳри	Йил учун ўртача белги
2010	9,44	1,28	8,45	2,05	0,58	2,10	2,33	3,88	2,94	4,25	1,95	4,12	4,26	4,65	3,60
2011	2,74	0,69	7,33	1,66	0,74	3,60	2,49	4,10	3,16	4,88	1,43	4,83	4,58	5,31	3,47
2012	5,14	0,98	12,71	2,87	0,81	0,47	1,60	3,85	2,57	4,38	1,65	2,95	5,03	4,81	3,30
2013	4,50	1,09	9,79	2,25	0,58	0,74	1,33	5,35	2,93	10,76	2,11	4,35	5,29	11,70	4,62
2014	3,69	0,71	10,76	1,76	1,47	1,76	2,53	5,57	2,75	4,40	1,88	4,60	5,34	4,85	3,69
2015	2,27	1,11	2,41	2,63	0,47	1,22	2,88	5,72	3,86	9,72	1,29	4,86	5,75	10,71	4,30
2016	4,13	0,97	4,42	3,20	1,49	6,51	2,51	5,22	3,29	10,84	1,04	4,71	9,33	11,99	5,54
2017	1,27	2,14	2,55	5,48	0,97	1,49	3,00	4,76	3,11	11,45	1,55	6,04	8,81	12,62	5,16
2018	6,47	1,81	1,55	3,33	1,25	7,64	1,86	5,14	2,79	17,00	1,28	4,98	9,74	18,58	6,82
2019	27,33	1,85	1,85	2,79	1,17	3,17	3,11	5,32	6,63	21,56	1,02	4,99	10,10	23,13	8,38

Бир ҳудудда жойлашган вилоятлар қаторида сезиларли даражада фарқ қилувчи рақамлар аниқланган, эҳтимол бу аҳолининг шифокор билан таъминланишига, даволашга ва диагностик ускуналар ва касалхонадаги ётоқ жойлари билан таъминланишига, аҳолининг тиббий ёрдамга кам муурожаат қилишига ёки бошқа омилларга боғлиқдир.

Сўнги 10 йил ичида, ТПКМД оқибатида умумий ногиронлик кўрсаткичи динамикасининг таҳлили республика бўйича кўрсаткичларни: 2010 йилда - 3,36, 2011 йилда – 1,72, 2012 йилда – 1,77, 2013 йилда – 1,68 ва 2014 йилда – 1,82 пасайганлигини кўрсатган, бироқ 2015 йилдан бошлаб бу кўрсаткичлар ўсган ва 2019 йилда 100 минг аҳолига нисбатан 3,44 ни ташкил қилган (2014 йилга нисбатан 1,62 га ортган).

Тошкент шаҳрида ТПКМД оқибатида келиб чиққан умумий ногиронлик 10 йил ичида етарлича турғун бўлган, аксарият кўрсаткич ўзгаришлари қуйидагича: 2014 йил (1,49), 2013 йил (1,45) ва 2015 йил (1,35), сўнгра 2019 йил пасайиб, 100 минг аҳолига 1,02 ни ташкил қилган (2010 йилга нисбатан 0,1 га камайган ва 2014 йил энг юқори кўрсаткичга нисбатан 0,47 ни ташкил қилган).

Ўзбекистон Республикасида ТПКМД оқибатида биринчи аниқланган (бирламчи) ногиронлик кўрсаткичи динамикасининг таҳлили кўрсатишича: 2010 йилга нисбатан (0,55) кўрсаткичлар айрим пасайиш тенденциясига эга, 2011 йилда – 0,29, 2012 йилда – 0,41, 2013 йилда – 0,22 ва 2014 йилда – 0,21 га тенг бўлган, бироқ 2015 йилдан бошлаб бу кўрсаткичлар ўсиб борган, 2019 йилда 100 минг аҳолига 0,61 ни ташкил қилган (2014 йилга нисбатан 0,4 га ошган) (3-жадвал).

3- жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ТПКМД оқибатидаги  
ногиронлик кўрсаткичлари  
(100 минг аҳоли сонига)**

Йиллар	Тошкент шаҳри		Ўзбекистон Республикаси	
	Умумий ногиронлик	Биринчи марта аниқланган ногиронлик	Умумий ногиронлик	Биринчи марта аниқланган ногиронлик
2010	1,12	0,45	3,36	0,55
2011	1,05	0,52	1,72	0,29
2012	1,26	0,56	1,77	0,41
2013	1,45	0,47	1,68	0,22
2014	1,49	0,34	1,82	0,21
2015	1,35	0,42	2,24	0,33
2016	1,25	0,84	2,55	0,40
2017	1,24	0,62	2,73	0,49
2018	1,08	0,44	3,12	0,64
2019	1,02	0,43	3,44	0,61

Тошкент шаҳрида ТПКМД оқибатида келиб чиққан бирламчи ногиронлик кўрсаткичлари 2010 йилга нисбатан етарлича турғун бўлмаган

(бир неча марта ортган ва камайган) - 2010 йилда – 0,45, 2011 йилда – 0,52, 2012 йилда – 0,56, 2013 йилда – 0,47, 2014 йилда – 0,34 га тенг бўлган, бироқ 2015 йилдан бошлаб 2016 йилларда ўсиб борган ва мос ҳолда 0,42 ва 0,84 ни ташкил қилган, кейин 2017 йили 0,62 га яна пасайган, 2018 ва 2019 йилларда 100 минг аҳолига 0,44 ва 0,43 (2010 йил даражасида) ни ташкил қилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда ТПКМДдан умумий ва бирламчи касалланиш, мос ҳолда 100 минг аҳолига 24,45 ва 8,38 ни ташкил қилгани аниқланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида касалланиш кўрсаткичлари аниқ ҳудудий тафовутларга эга (ундан ташқари, йиллар бўйича ҳам). 2010-2019 йиллар мобайнида касалланиш даражаси барқарор ўсиб бормоқда, ногиронлик кўрсаткичлари эса камаймаган.

Мазкур ҳолат муаммонинг тиббий-ижтимоий аҳамиятини асослайди. Ушбу кўрсаткичлар дунёда ТПКМДни ташхислаш ва даволаш бўйича илмий тадқиқотларнинг шиддат билан ривожланишига қарамай, Ўзбекистонда ихтисослаштирилган офтальмологик клиникалар сонининг ошиши, уларнинг жиҳозланиши, кўрсатиладиган даво усуллари, айниқса жарроҳлик ва лазер усулларини кенг қўлланилиши, ТПКМД оқибатида касалланиш ҳамда ногиронлик кўрсаткичларини яхшиламади, бу эса кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини етарли эмаслигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Тўр парда қарилик макуляр дегенерацияси кузатилган беморларда тиббий ёрдам ҳажми ва сифати ҳамда уни баҳолаш**» номли тўртинчи бобида, тадқиқотнинг иккинчи ва учинчи босқичи материаллари берилган. Сўровномада иштирок этган умумий 200 нафар шифокор-респондентларни 53% (106) ни оилавий шифокорлар ва 47% (94) ни офтальмолог-шифокорлар ташкил этган.

ССББ шифокор-респондентларининг анкета сўровномасидаги маълумотлар ва тиббий ҳужжатлар таҳлили, мавжуд тизимдаги ТПКМДни эрта аниқлаш ва олдини олиш борасида БМСЁ муассасаларида оқсаётган соҳаларни аниқлаб берган: 43% офтальмологлар ва 71,7% оилавий шифокорлар ТПКМД юзага келиш хавф гуруҳларини аниқламайдилар; эрта аниқлашга йўналтирилганлик мавжуд эмас, ваҳоланки, 71% респондентлар ТПКМДни диспансеризация жараёнида эмас, балки мустақил муружатда аниқлайдилар ва фақатгина 34% ҳолатда ТПКМД эрта босқичларда аниқланади; хавф омиллари мавжуд бўлган аҳоли диспансеризацияси 28,3% оилавий шифокорлар ва 57% офтальмологлар томонидан амалга оширилади; 83% шифокорлар керакли ҳажмдаги текширувни амалга оширмайдилар; сифатли мониторинг олиб борилмайди, фақатгина 9% шифокорлар оммавий тушунтириш тарғибот ташвиқот ишларини олиб борадилар; ТПКМД профилактикаси олиб борилмайди.

ТПКМДни эрта аниқлаш ва олдини олишнинг мавжуд тизимининг ташкилий камчиликлари қуйидагилар: 65% ҳолатда тўлақонлик текширувга вақтнинг етишмаслиги; 41% ҳолатда керакли жиҳозларнинг етишмаслиги; 60,8% ҳолатда беморларни соғлиқни сақлашнинг ихтисослаштирилган бўғинига (ССИБ) асоссиз йўналтирилганлиги; шифокорларнинг компетенцияси етарли эмаслиги; диспансеризация самарадорлигини назорат

қилишни баҳолаш ва маъсулиятнинг мавжуд эмаслиги; ва энг асосийси соғлиқни сақлашнинг турли бўғинлари ўртасидаги узлуксизликнинг йўқлиги.

Тадқиқотнинг ушбу босқичини яқунлай туриб шундай хулосага келинганки, ТПКМДни юзага келиш хавф гуруҳларини ва касалликни эрта аниқлаш, сифатли диспансеризацияни ташкиллаштириш дастурларини ишлаб чиқиш зарур, бу эса маълумотларни сифат ва сон жиҳатдан таҳлил қилиш, уларни сақлаш, кейинги бўғинга осон етказиш (йўқотишларсиз, тиббий ёрдам босқичларида) имконини беради. Бундай вазифаларни автоматлаштирилган ва шахсийлаштирилган электрон дастурлар амалга ошира олади.

Диссертациянинг «**Тўр парда қариллик макуляр дегенерациясини эрта аниқлаш ва юзага келиш хавфини башоратлаш электрон дастури**» деб номланган бешинчи боби, электрон “ТПКМДни эрта аниқлаш ва юзага келиш хавф даражасини аниқлаш учун дастури”ни ишлаб чиқишга, тадбиқ этишга ва самарадорлигини таҳлил қилишга бағишланган. Хавф омилларини комплекс интеграл баҳолашга кўра, (ТПКМД билан касалланган 100 нафар беморда ўтказилган) “ТПКМД бўйича насиллик” – 8,57 ва “Ёш” - 5,27 энг юқори нисбий хавф (R) кўрсаткичига эга. Энг паст кўрсаткич - «Ирк» ва «Жинс»га боғлиқ бўлиб – 1,17 га тенг. Ҳисоблаган интегралланган баҳолаш (ИБ) кўрсаткичлари электрон дастурнинг мос жавобларига балл сифатида киритилган ва дастур, автоматик равишда ҳар бир шахс учун алоҳида ТПКМД юзага келишининг хавф даражасини ҳисоблаган. “Эҳтимоллик мавжуд эмас” даражасига (98,59 гача) тушган шахсларда, хавф омиллари ТПКМДни юзага келишига ўз таъсирини кўрсатмайди. “Кам эҳтимоллик” даражасига (98,59-193,66) тушган шахсларда, хавф омиллари ТПКМДни юзага келишига таъсирини кўрсатиши шарт эмас. “Ўртача эҳтимоллик” даражасига (193,67-288,74) тушган шахсларда, хавф омиллари таъсири юқори бўлганлиги сабабли ва уларда ТПКМДни юзага келиш эҳтимоллиги юқори бўлганлиги учун ССББ муассасаларининг диққат марказида бўлишлари лозим. “Юқори эҳтимоллик” даражасига (288,75-383,82) тушган шахсларда, хавф омиллари ТПКМДни юзага келишига аниқ таъсир қилади – омиллар ва ТПКМДни юзага келиши ўртасидаги сабаб – оқибат боғлиқлик тўғридан тўғри кузатилади. Айнан мана шу вазиятда комплекс профилактик тадбирлар тўлиқ амалга оширилиши, диспансер назорати мукамал тарзда олиб борилиши керак, чунки вақти келиб, омилларни қилаётган давомли таъсири ТПКМДни юзага келишига ва унинг ривожланишига, натижада бу контингент кўриш қобилиятини йўқотиш имконига эгадир.

Ишлаб чиқилган электрон дастур бир қанча қисмлардан иборат: паспорт, Амслер тести, анкета-сўровномаси, турли хавф гуруҳлари учун кейинги тактика тавсиялари, ахборот (текширилаётган шахсларнинг ТПКМД ҳақида маълумотини ошириш учун).

Электрон дастурнинг самарадорлиги, ТПКМДни юзага келиши хавф гуруҳларини шахсийлаштирилган аниқлаш имконини берганлигидан иборат: 23% да - хавф йўқ, 30% да – паст, 37% да – ўрта, 10% да – юқори эҳтимоллик. Текширилганларнинг 11,1% (550)да ТПКМД аниқланган.

Офтальмологик текширувлар натижасида ТПКМД билан касалланганлар 7,9% эрта, 2,4% оралик ва 0,8% кечки босқичда аниқланган. ТПКМДни юзага келишининг хавф гуруҳларида офтальмологик текширув яна 71 (71 кўз) нафар беморда ТПКМДнинг эрта босқичини аниқлаган, бу эса 1,62% (хавф гуруҳидаги шахслардан) ни ташкил қилган. Ушбу маълумотлар ССББда ТПКМДни юзага келиши хавф гуруҳларини аниқлашнинг ва барча хавф гуруҳларида офтальмолог текширувининг муҳим ва зарур эканлигини асослайди.

Дастур етарли даражада диагностик сезувчанликга (97,2%), хусусийликга (98,2%) ва самарадорликга (97,7%) эга. ТПКМДни юзага келиши хавфини комплекс интеграл баҳолаш учун башоратлаш матричасини тадбиқ қилишдан умумий иқтисодий самарадорлик 3 532 500 сўмни ташкил қилган (100 сўровномадан ўтган шахслар учун). Ишонамизки, келажакда ушбу дастур ТПКМД бўйича маълумотлар базасини (регистрлар) тузишда ва ахборотни таҳлил қилиш учун асос бўла олади. Бундай регистрларнинг мавжудлиги молиявий ва профессионал ресурсларни режалаштиришни яхшилаш, хусусан давлатнинг меҳнат ва иқтисодий харажатларини оптималлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган электрон дастурдан оммавий фойдаланиш мумкин, тиббий муассасаларга бориш учун кўп вақт сарф қилинмайди ва иқтисодий харажат талаб қилмайди, дастур самарали, чунки ТПКМДни юзага келиш хавфини башоратлайди ва ТПКМДни аниқлайди. Бу эса ҳозирги пандемия шароитида жуда долзарб. Ушбу электрон дастур қулай ва ССББни шифокорлар фаолиятини энгиллаштиради, чунки, у нафақат сўров-анкетасидан ўтган шахсни, балки унинг ҳолати ҳақидаги керакли ахборотни сақлайди, статистик таҳлил учун бирламчи маълумотни етарлича тўлиқ ва аниқ етказиб беради. ТПКМД ҳақида маълумот беради, оқибатда аҳолининг маълумотлик даражасини оширади. ТПКМДни юзага келиш турли хавф гуруҳлари бўлган шахсларга ишлаб чиқилган юритиш тактикаси, ССББни шифокорлари фаолиятини стандартлаштириш имконини беради. Электрон дастур ТПКМДни эрта аниқлаш ва олдини олишни ташкиллаштиришни такомиллаштириш йўлларида бири ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Тўр парда қариллик макуляр дегенерациясида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича тадбирларни такомиллаштириш**» деб номланган олтинчи бобида, ТПКМДда тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш мақсадида, “Тўр парда қариллик макуляр дегенерацияли беморларнинг диспансеризация картаси” электрон дастури ишлаб чиқилган ва у 90 нафар ТПКМД билан касалланган беморларга тадбиқ этилган.

Дастурда паспорт қисми; шикоятлар қисми, ҳаёт анамнези ва бемор ҳолати маълумотлари, хавф омиллари, организм ва кўрув аъзосининг ёндош касалликлари мавжуд беморларнинг қисми; ташхис қисми (сана билан белгилаш учун); текширув усуллари қисми (умумофтальмологик, махсус, лаборатор) мавжуд. Шунингдек, бемор билан олиб борилган ишлар (соғлом

турмуш тарзи, касалликнинг хавф омиллари, олдини олиш чоралари ва б. ҳақидаги суҳбатнинг санаси ва хажми) белгиланган қисми ҳам бор.

Дастурда, соғлиқни сақлашнинг турли бўғинидаги шифокорлар томонидан беморни текшириш маълумотларини жойлаштириш учун киритилиш-шакллари мавжуд, улар картадаги бор маълумотларни қайта ўтказишни олдини олади ва уларни ҳисобга олишга имкон беради. Шунинг натижасида, шифокорлар ўртасида бемор мониторинги амалга ошади ва тиббий ёрдам кўрсатилади. Карта бўйича касаллик аниқланган муддат, даволаш жараёнининг сифати ва ўз вақтида бўлиши, диспансеризация ва шифокорлар компетентлиги эксперт баҳоланиши мумкин.

Натижалар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган “Тўр парда қарилик макуляр дегенерацияли беморларнинг диспансеризация картаси” электрон дастурининг самарадорлиги шундаки, соғлиқни сақлашнинг барча бўғинларидаги узлуксизликни таъминлаб ва мониторинг босқичи самарадорлигини ошириб берган, ТПҚМДнинг эрта босқичдан оралик босқичга ўтишини 2,5 баробар, кеч босқичга ўтишини эса 3 баробар камайтирган. Дастур етарли даражада диагностик сезувчанликга (65,7%), хусусийликга (83,3%) ва самарадорликга (74,5%) эга. Мақбул клиник натижага эришилганда иқтисодий самарадорлик ҳар бир беморга 2 500 000 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқотнинг тўртинчи ва бешинчи босқичларини яқунлашда шундай хулоса қилиш мумкин: электрон дастурлар ТПҚМДни эрта аниқлаш ва олдини олишни ахборотлаштирилган, шахсийлаштирилган тарзда ташкиллаштиришни такомиллаштиришнинг самарали йўлларида бири саналади.

Электрон дастурда аниқланган ТПҚМДни юзага келишининг юқори эҳтимолликдаги хавфи кузатилган 438 шахсдан 98 нафари (196 та кўз), ТПҚМД бирламчи профилактикасида қатнашишга розилик берган ва 1-гуруҳга (асосий) киритилган. Бу шахслар 3 йил мобайнида лютеин-зеаксантин витамин-минерал комплексини (ЛЗВМК) кунига 1 та таблеткадан, 3 ой давомида йилда 1 марта қабул қилишган; 2-гуруҳ (назорат) га турли сабаблар билан дори воситаларини қабул қилишдан бош тортган, аммо мониторингда қатнашишга розилик берган 90 нафар (180 та кўз) шахслар киритилган.

ЛЗВМК қабул қилган 1-гуруҳда юқори эҳтимол билан ТПҚМДни юзага келиш хавфи кузатилган шахсларда, кузатув даврида ўртача кўриш ўткирлиги кўрсаткичи турғунлиги аниқланган. 2-гуруҳ беморларида эса, биринчи йил кузатув даврида ўртача кўриш ўткирлигининг ёмонлашишига мойиллиги аниқланган, уч йиллик кузатув даврида у 2,5 марта ёмонлашгани маълум бўлган ( $p < 0,05$ ).

